

Иффатли бўлишнинг фазли ва зарур бўлмаганда сўрашнинг ёмонлиги



20:00 / 30.07.2019 2337

إِذَا كَانَ النَّاسُ يَسْأَلُونَكَ لِمَ لَا يَرِيهِمْ تَعْرِفُهُمْ التَّعَفُّفِ مِنَ اغْتِيَاءِ الْجَاهِلِ يَحْسَبُهُمْ

Аллоҳ таоло:

«...иффатлари туфайли билмаган киши уларни бой деб ўйлайдиган фақирларгадир. Уларни сиймоларидан танийсан, одамлардан хиралик қилиб сўрамаслар», деган («Бақара» сураси, 273-оят).

Шарҳ: Ушбу ояти карима аҳли суффа – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари яқинидаги суффада яшовчи тўрт юз нафар

Бошқа бир ривоятда эса:

«Аллоҳим! Оли Муҳаммаднинг ризқини қути лаа ямут қилгин», дейилган.

Яна бир ривоятда эса:

«Бойлик молнинг кўплигида эмас, лекин бойлик нафснинг беҳожатлигидадир», дейилган.

Шарҳ: «Қути лаа ямут» – очдан ўлмасликка етарли бўлган емиш, таом.

Ушбу ривоятларнинг барчасида мусулмон кишининг ўзига берилган ризқ қанча бўлса, ўшанга чидаб, қаноат ҳосил қилиб юриши яхши эканлиги ҳақида сўз кетмоқда. Мусулмон инсон турмуши яхши бўлиши учун имкониятидаги барча ҳалол воситаларни ишга солиб, ҳаракат қилаверади. Аммо ризқ бериш Аллоҳдан эканлигини ҳеч қачон унутмайди. Шунинг учун ўзига берилган ризқ-насибани Аллоҳнинг иродаси билан келмоқда, деб билади. Оз бўлса, норози бўлмайди, кўп бўлса, ҳовлиқиб кетмайди. Чунки Аллоҳнинг иродасига қарши чиқиш мусулмон одам учун тўғри эмас.

Мазкур ривоятларда мусулмон киши ўзига берилган ва берилмаган ризққа нисбатан ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида бир неча кўрсатмалар берилмоқда:

1. Ифбатли бўлиш.

Бировнинг молидан умидвор бўлишни ўзи учун ор деб билиш. Ким ўзини ифбатли тутишга уринса, Аллоҳ таоло уни ифбатли қилиб қўйиши турган гап.

2. Бировнинг сариқ чақасига ҳам эҳтиёжи йўқлигини изҳор қилиш.

Бундай одамни Аллоҳ таоло кўзини тўқ қилиб қўяди ва ундан ҳеч бир очкўзлик содир бўлмайди.

3. Кам бўлса ҳам, ўзига берилган ризққа сабр қилиш.

Сабр Аллоҳ таоло томонидан бандага инъом этилган энг катта неъмат ҳисобланади. Сабрли киши ризқнинг озига ҳам, йўқчиликка ҳам чидаб, ўзини хор қилмай, бошини тик тутиб, кун кўради. Сабр неъматидан бебаҳра банда эса дунёнинг ярмига эга бўлса ҳам, қаноат қилмай, ўзини хор қилади, очкўзлигини билдириб қўяди.

4. Мусулмон одам Аллоҳ таоло томонидан берилган ризққа сабр қилиб, қаноатли бўлиб ўтса, дунёдаги энг катта нажотга эришади.

5. Пайғамбар алайҳиссалом оли байтларига ўлмайдиган миқдорда қут беришинигина сўраган эканлар.

6. Ҳақиқий бойлик молу дунёнинг кўплигида эмас, нафснинг тўқлигидадир.

Ушбу таълимотларни ҳар бир мусулмон яхшилаб ўрганиб, ўзига сингдириб олиши ва ҳаётга татбиқ қилиши лозим. Ана шундагина орамизда молу дунё деб одам ўлдирадиганлар, ўфрилиқ, порахўрлик, рибохўрлик қиладиганлар, фирибгарлик, алдамчилик, ёлғончилик ва бошқа разолатларни қиладиганлар қолмайди.

1162- يَدْأُوْا لِقَابِ اِمْلَسُوْهُ لِيَلْعَلَّ اِيْلَصِيْبُ لَلْنَعُوْهُ لَلْاِيْضَرَ رِيْزِيْبُ اَنْعَ اَلْجَرِيْ اَيْ اَنْ مَوْلِيْ خِرْوَهْ طَلَعَتْ اِيْ فَوْحِ كُذْحُ اَيْ اَنْ اَلْوَدِيْبُ اِيْ سَفَنَ عَوْهَ مَوْ اَطْعَ اَلْاَسِيْفِ

1162. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, албатта, сизлардан бирортангиз арқонини олиб, ўтин териб, орқасига кўтариб келгани бировнинг олдига бориб, берса-бермаса, сўрашидан яхшидир», дедилар».

Шарҳ: Инсоният тарихида ўз меҳнати билан ҳаёт кечиришга бу каби тарғиб бўлмаса керак. Бировдан бир нарса сўраб олиб, турмуш кечириш ўрнига, арқонни олиб, далага чиқиб, ўтин териб келиб, сотиш яхши.

Баъзи бир кишилар ўтин териб сотиш, мардикорлик қилиш ёки шунга ўхшаган ишларни қилишни ор ҳисоблайдилар. Аммо бировга ёлвориб, бир нарса сўраб, ейишни ўзларига эп кўрадилар. Ёки айримлар бировнинг ҳаққини турли ношаръий йўл ва услублар ила ҳаромдан олиб, ейишлари билан кериладилар. Ҳолбуки, бировдан сўраб олиб, кун кечириш ҳақиқий ор қилинадиган ишдир. Бировнинг ҳаққини ҳаром йўл билан олиш эса катта гуноҳдир. Аксинча, ҳалол йўл билан, пешона тери тўкиб, ҳаёт кечириш энг тўғри, энг шарафли ишдир. Ризқ топиш учун қилинадиган ҳалол меҳнатнинг катта-кичиги, обрўли-обрўсизлиги бўлмайди. Энг ҳақиқий обрў меҳнат қилиб, ҳалол ризқ топишдир. Энг ёмон обрўсизлик эса бошқаларнинг топганидан кун кўришдир. Ислом таълимоти мана шу. Исломдан, унинг таълимотларидан узоқда бўлганда бу меъёр ва ўлчовлар

ҳам тескарисига ўзгаради. Аслида тиланчилик Ислom жамиятига ёт бўлиб, унда ҳар қандай ҳалол меҳнат рағбатлантирилади.

Чиндан ҳам, ҳақиқий мусулмон киши бировдан сўраб, турмуш кечиргандан кўра ўтин териб, сотиб, кун кўришни афзал билади. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳалол меҳнати билан ҳаёт кечиришга уринади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан